

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИ 1976 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Датидан илгари етказиб бериш чораларини кўриш, шунингдек қўриқиб қўйилган машиналарга қўшимча миқдорда запас қисмлар жўнаштириш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

«Соҳахўшомаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси технология, асбоб-ускуналарини, механизациялаш воситаларини ва чигитни тўқсизланган машиналарнинг ремонт қилиш учун запас қисмларни пахта заводларига ва тайёрлов пунктларига етказиб беришни тезлаштириш зарур.

Ўзбекистон ССР «Главнефтегазстрой», Ёнгил-моя материаллари билан ўз вақтида ва узатқич таъминлаб туриш керак.

2 миллион 979 минг гектар майдондаги ғўзаларнинг терим олдидан барини тўктириш, шу жумладан ғўзаларни тақдор ва ердан туриб дорилан юзасидан Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министри, «Главсредизервохозстрой», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва област икрия комитетларининг тақлифи қабул қилинди ва шу ишларни ўтказиш ланларни тақинланди.

Ўзларини дефолиация қилишда ердаги апаратлардан ҳамма жойда фойдаланишга алоҳида эътибор бериш, шу апаратлардан юқори сифатли ва самарали фойдаланишга эришиш зарур.

Область ва шаҳар партия комитетларига ҳамда саноат корхоналари ва қишлоқларнинг партия ташкилотларига пахта терим техникаси ва қўриқиб-тозалаш цехларини ремонт қилишда, пахта терим ва тайёрлаш даврида уларга техникавий хизмат қўрсатишда колхозларга, совхозларга ва тайёрлов пунктларига оталиқ ёрдами ни қўрсатишни ташкил қилиш топирилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министри, Пахта тозалаш саноати министри ва уларнинг икриядаги органлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, област ва район икрия комитетлари:

уруглик учун етиштириладиган ғўзаларнинг дала апробациясини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишни ташкил қилиш ҳамда шу апробация натижаларига қараб уруглик пахтани терим ва топириш юзасидан топириқ белгилашлари;

уруглик учун етиштириладиган ғўзаларини дефолиация ва десикация қилишни уруглик пахта терим олингандан кейин ўтказишлари; уруглик пахтани ГОСТ талабларига қатъий риоя қилган ҳолда терим, топириш ва қабул қилишни таъминлаш юзасидан колхозлар, совхозлар, тайёрлаш ташкилотлари раҳбарлари ва му-

таҳассисларининг ҳамда пахтачиллик бригадалари бошлиқларининг масъулиятини оширишлари;

Уруглик пахтани ўз вақтида юқори сифатли тайёрлаш, тозалашни ташкил этишлари ва уни сақлаш қоидаларига риоя қилишни таъминлашлари зарур.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министри, Қишлоқ ҳўжалиги министри, Пахта тозалаш саноати министри, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва област икрия комитетлари ва кўприкларини, шунингдек колхоз ва совхозларга ҳамда тайёрлов пунктларига бориладиган йўллари ремонт қилишни ўз вақтида тугаллашлари лозим.

Ўзбекистон ССР Маданият министрига, Аҳолига маъий хизмат қўрсатиш министрига, Соғлиқни сақлаш министрига, Алоқа министрига, колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига ҳамда пахта терим ва тайёрлашда банд бўлган бошқа ходимларга намунали хизмат қўрсатиш таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш топирилади.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, област ва район икрия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министри, «Главсредизервохозстрой» ва уларнинг жойлардаги органлари касба союзи ташкилотлари билан биргаликда колхоз ва совхозларнинг меҳнатни қўйилган бутун аҳолисини пахта теримига чиқариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, теримнинг дастлабки қувиладиган бу тадбирларни амалга оширишлари, пахта терим машинасининг ҳар бир механизатор-ҳайдовчиси, ҳар бир теримчи қувиладиган норма тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани аяқ олдиришлари, колхоз ва совхозларга пахта теримига банд бўлган меҳнатчиларни, ишчилар ва кўприкчиларни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқишлари ҳамда колхоз ва совхозларга тасвия этишлари лозим.

Қишлоқ ҳўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касба союзи республика, област ва район комитетлари совхозларининг

ишчилари, колхозлар, совхозларнинг механизаторлари меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибининг тўғри қўлланилиши, ҳосил йиғим-теримига иш ҳақининг ўз вақтида тўлаб турилиши, шунингдек дефолиантлар билан ишлаган чоғда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси саноат санитарияси қоидаларига ҳамда пахта терим техникаси ва механизаторлардан фойдаланиш хавфсизлигига риоя қилиш устидан назоратни таъминлашлари зарур.

Ўзбекистон ЖКСМ Марказий Комитетига механик-ҳайдовчиларни, пахта терим техникасини тайёрлашда ва янги ҳосил пахтасини терим ва тайёрлашнинг юқори сифатли ўтказиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришда комсомол ташкилотларининг актив иштирок этишларини таъминлаш топирилади.

Йиғим-теримнинг юксак суръатлари ва давлатга топшириладиган пахтанинг юқори сифати учун Қорақалпоғистон АССРни, областларни, районларни, колхозларни, совхозларни, илгор механизаторларни ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қуйидаги кўмақи Қишлоқ байроқлари тасвис этилади:

— Қорақалпоғистон АССР ва областлари учун — икрия Қишлоқ байроқ;

— районлар учун — тўртта Қишлоқ байроқ, булардан пахтанинг ингичка толали навларини давлатга топшириладиган районларни рағбатлантириш учун битта Қишлоқ байроқ ва кўриқ ерлардаги районларни рағбатлантириш учун битта Қишлоқ байроқ;

— совхозлар учун — учта Қишлоқ байроқ, шу жумладан кўриқ ерлардаги совхозларни рағбатлантириш учун битта Қишлоқ байроқ ва пахтанинг ингичка толали навларини топшириладиган совхозлар учун битта Қишлоқ байроқ;

— колхозлар учун — икрия Қишлоқ байроқ, булардан ингичка толали пахта топшириладиган колхозлар учун битта Қишлоқ байроқ, кўмақи Қишлоқ байроқлар сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги ақуларидан бошлаб ҳар ўн кунда бир марта берилади. Қишлоқ байроқларини берган чоғда ланнинг бажарилиши, тайёрлаш суръатлари, тайёрланган пахтанинг сифати, машина терими ланнинг ҳамда уруглик пахта терим ва топириш ланнинг бажарилиши ҳисобга олинади.

Ингичка толали пахта етиштириш ланига эга бўлган Бухоро, Қашқадарь, Наманган ва Сурхондарь областларига, ингичка толали

пахта етиштириш ланига эга бўлган районларга ва ҳўжаликларга Қишлоқ байроқларини берган чоғда ингичка толали пахта тайёрлаш ланнинг бажарилишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Қишлоқ байроқларини топириш билан айни бир вақтда Қорақалпоғистон АССР ва областларга — илгор ҳўжаликларга сотиш учун икритадан юк автомобилни, иш унумдорлиги ва пахта терим сифати жиҳатидан энг яхши қўрсаткичларга эришган пахта терим машиналарининг механик-ҳайдовчиларига сотиш учун тўрттадан энгил автомобиль ва пул билан мукофотлаш учун 2 минг сўм пул, районларга — илгор ҳўжаликларга — сотиш учун биттадан юк автомобилни, энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун икритадан энгил автомобил ва илгорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул ҳамда колхозларга энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан энгил автомобил ва илгорларни мукофотлаш учун 200 сўмдан пул ажратилади.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва област икрия комитетларига пахта йиғим-теримдаги илгор районларга, колхоз ва совхозларга топшириш учун кўмақи Қишлоқ байроқлар тасвис этиш, шунингдек ғўзаларни дефолиация қилишда қатнашаётган самолётларнинг ва ердаги агрегатларнинг экипажларини рағбатлантириш чораларини кўзда тутиш тасвия этилади.

Республика, област ва район газеталарининг редакцияларига, «ЎзАИТА», «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоси» етиштириш давлат комитетига пахта терим ва тайёрлашга ҳўзирлигини, янги ҳосил терими ва топширишнинг боришини газета саҳифаларида, телевидение ва радио орқали мунтазам равишда еришти топирилади.

Республика газеталарининг саҳифаларида Ҳўрмат тахтаси тасвис этилади, бу Ҳўрмат тахтасига пахта тайёрлаш ланнинг мулдатидан илгари бажарган областлар ва районлар ёзиб борилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қатъий ишчи бандири айтиладиган, партия, совет комсомол, қишлоқ ҳўжалиги ва тайёрлов органлари, колхоз ва совхозлар КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун механизаторлар, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта теримига ўз вақтида ва юқори сифатли тайёрлаш қўриб, уни муваффақиятли ўтказишни таъминлайдилар, давлатга 5 миллион 300 минг тонна пахта топшириш юзасидан ўзини беш йилликнинг биринчи йилида олинган социалистик мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан бутун чораларни кўрадилар.



«Узгавводстрой»нинг Тошкентдаги экспериментал тайёрлаш-механика заводига «ТИМ-72» маркали телемеханика мосламаси ишлаб чиқарилаётганда. Бу мослама қанчалардаги суннинг ҳажминини регулировка қилади. Бундан ташқари, катта нўссадий фойда келтиради. Масадан Кубань сув ҳўжалиги системасида «ТИМ-72»ни ишлаб чиқаришга жўрий эътиб натижасида йилга 53.3 минг сўм иқтисодий фойда олиниётганда. Суратда: коммунист меҳнат бригадаси аъзолари слесарь-электромонтчилар В. Никольский ва Р. Макарова иш устида.

А. Авазов ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАРГА ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Қўриқ ерларда қўзилиб кетган Жиззах областининг тўқизта совхозида янги молхоналар қурилди. Бу молхоналарнинг ҳар бири 200 бош ситир боқини учун мўлажалланган бўлиб, улар Тошкентдаги саноат корхоналари ва қурилиш коллективларининг оталиқ ёрдами йўли билан қурилган. Бу молхоналар ана шу ҳўжаликда барпо этилаётган чорвачилик комплексларини саставига қиради.

«Узкоопстрой о н т а ж» трестининг, «Компрессор» заводининг ва 126-автотранспорт коллективлари Жиззахликларга берган ватдаларини биринчи рақатда бажаришди.

«Главташкентстрой» олтинчи трестининг, «Тошкент» ёғочсозлик бirlашмасининг ва 2521-автотранспорт хўзимлари «Ўзбекистон» совхозида молхонани қисқа мулдатларда қуриб берди.

(ЎзТАГ).

ЗИЁКОР ОИЛА

Улар ҳар эрта тонг биргаликда отилинади. Тонгнинг қаришда манзилга етгач Ўлмас ака ўнг томонга, Муборак опа эса бироз тўғрига қараб йўл олади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир касбда — энг тарқатувчи бўлиб ишлайди.

Ўлмас ака Саъдуллаев Олой бозорига жойлашган союзецетда ишлаб келаятганга 20 йилдан ошди. Домий ўқувчилари ва газетчиларини ҳўл хизмати билан хўшнўд этиб келаятган Ўлмас ака авваллари жами 450—500 нўсха газет тарқатган бўлса, ҳўзир эса ҳар кунин 1100—1200 нўсха марказий ва маҳаллий газеталарини тарқатиб келаяпти. Қисқадда истаган нўсхадан журналларини хариш қилиб олинишни мўмкин.

Ўлмас аканинг домий миқдорлари кўп. Улар гоҳо гоҳо жузга зарур бўлиб қолган газетани топиб беришда Ўлмас акага мўрожаат қилинади. Саъдуллаев икони борича бу лтнмсини қондирини ҳаракат қилади.

Ишчан киоскчан бир неча бор район, шаҳар «Союзпечать» агентлигининг мукофот ва ёрликлар билан тақдирланган.

Унинг умр йўлдоши Муборак опа ҳам киоскчанлик қилиб келаятганга 15 йилдан ошди. М. Саъдуллаева ҳам яхши мўмаласи, икчанлиги билан эл-юрт хўрматини қозонган. У ойлк палларини мўтасил ошириб адо этиб келаятган илгор энг тарқатувчилардан бири.

Бу энг тарқатувчилар олсини маҳаллада ҳам хўрмат қилади. Муборак опа ҳақрамон опа. Ўларнинг фарзандлари олий ва ўрта ўқув юртиларда аъло баҳо-ларда ўқинади.

С. САЪДИЕВ.

Партия турмуши: ташкилотлардан хатлар

Ахборот группалари

Шаҳар партия комитети ҳўзурда ташкил этилган ахборот группалари уч йилдирки, омма орасида тушутириш ишлари олиб борапти. Группалар ийрик саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, маънавий-маъий муассаса раҳбарлари, партия ва совет хўдимлари аъзодилар. Улар ўтган йилларда меҳнаткашлар билан 60 га яқин учрашув ўтказди.

Ҳар бир учрашув олдидан меҳнаткашлар ўртасида махус анкета тарқатилади. Анкетадagi саволларга беришган жавоблар умумлаштирилиб, бўлажак учрашувга тайёрлиги қурилади. Бу тадбир ҳар бир учрашувни мазмунли ва самарали ўтишига ёрдам берапти.

Учрашувлар давомида ҳам ишчи ва хизматчилар группалари аъзолари олдига турли хил проблемаларни қўймоқдалар. Улар талаби ва тақлифи билан гўшт қомбона, сут заводи маҳсулотларини сифати янада яхшилаш, 6-микрорайонда сабзавот мағазини, Ўзбекистон металлургия заводи ва шаҳар касалхонаси ўртасида янги автобус маршрути очилди.

Ахборот группаси аъзолари жойларда бўлишганида шаҳар ийгиликлари, зимма-га олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида йиғиланларга сўзлаб берадилар. Омманинг эътиборини бундан бўён бажарилиш лозим бўлган вазифаларга қаратадилар. Ҳўзирги

қуида улар КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди материаллари асосида сўхбатлар ташкил этмоқдалар.

Яқинда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари С. Моксин раҳбарлигидаги жамоат тартибининг сақлаш бўйича тузилган ахборот группаси 12-микрорайон аҳолиси билан учрашди. Учрашувда шаҳар прокурори Х. Норкулов, шаҳар халқ судяси У. Қурбонов, шаҳар янги ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари Г. Эзельман партиянинг съезди қарорлари асосида ҳўқуқ тарбиясини янада яхшилаш, жамоат тартибининг мустақкамлаш юзасидан қуриладиган тадбирлар тўғрисида йиғиланларга ахборот берди. Шундан сўнг қизиларли савол-жавоб бошланди.

Ахборот группалари бево-сита жойларда омма билан учрашувлар ўтказаятганганида бери меҳнаткашлардан юқори ташкилотларга тўшаётган ариза ва шикоятлар анича камайди. Қўпгина муаммолар шу учрашувлар давомида ҳал бўлапти. Шаҳар партия ташкилотининг бу иш услуби замон талаби-га мос тушмоқда.

С. БОЙМУРОДОВ, Бекобод шаҳар партия комитетининг лектори.

ДАЪВАТКОР КУЧ

ҳар бир цехнинг сифат учун олиб бораётган қураш ифода-ланган. Шунингдек, «Фан ва техника» йиғилишлари, «Меҳнат—шараф», рационализатор ва иктироциялар ҳўзир қурашга бағишланган стенд-лар ҳам кўпчилигининг эътиборини тортиди.

Маълумки, шу йил бошида Ўзбекистон Коммунист партияси Марказий Комитети бир беш йилликда икки беш йилликда бажаришга олтиган илгор ўн ишчининг тапшабўсини маъқулла-ган эди. Корхонамизда бу тапшабўсга 2-механика цехининг тоқари, коммунист А. Гизатуллин биринчи бўлиб қўшилди. Тез орада «ўнлар тапшабўси»га 27 ишчи «лаб-бай» деб жавоб берди. Ҳўзир қўллаб ишчилар ўнча беш йилликнинг дастлаб-ки йили топшириқларини эъдиас билан адо этишди. Улар орасида 2-механика цехининг ишчилари В. Аб-дизов, А. Гизатуллин, Н. Сунонов, В. Минеев, В. Амедлаев, Н. Тур ва бошқа-лар бор. Ўз ана шу илгорлар ҳаракатига қўшилганлар қаторида қўшилганлар деган стенд ташкил эдики. Унда илгорларнинг қайси йил ва қайси ой ҳўсобида меҳнат қилаётганликлари ёзиб борилади.

Йил бошида йиғувчилар бригадасининг бошлиги, коммунист С. Қисоя «Аъло сифатли маҳсулот ишлаб чи-

қарувчи бригада» номи учун мусобақа ташкил этиш та-пшабўси билан қилиди. Бу тадбир илгорлар сленд-ида муҳокама қилинди ва алоҳида стендда ақс этти-риди. Ҳўзир бу тапшабўсга 12 бригада қўшилган. Илгорлар ишлайётган ҳар бир бригадда ҳам ўзига хос йўл билан стенд ташкил этилган.

Партия комитети қўргаз-малли агитацияни ташкил этиш Стратегиясини иш билан яқиндан танишиб бора-ди. Керанли ёрдамни бера-ди. Бу ерда план топшириқ-лари эъдиас билан адо этиш-лади. Етти ой ичида планда ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Давлат сифат белгиси билан реали-зация қилинаётган маҳсулот лани 134 процент баля-риди. Қўргазмаларда шу-лар тўла ақс этади.

Партия ташкилотли ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ак-тивлигини оширишда муҳим воситалардан бири бўлаёт-ган қўргазмалли агитациядан фойдаланишнинг янги усу-лубларини қидириб топиш-га алоҳида аҳамият бермоқ-да. Шубҳасиз, коллектив-нинг ўз олдига турган вазифаларини шараф билан адо этишида қўргазмалли агита-циянинг икбий кучи муҳим роль ўйнайди.

Н. ШАРИПОВ, «Ўзбекиммаш» заводи партия комитетининг секретари.

ЗАВОДНИНГ «МУХТОР ВАКИЛЛАРИ»

«Ташсельмаш» заводига механик-ҳайдовчилар мала-касини ошириш курсларига дастлабки битирувчилар маросими бўлди. Мам-лакатдаги пахтакор республикалар — Ўзбекистон, Қорғистон, Тожикистон, Турк-менистон ва Озарбайжон колхоз ва совхозларининг механизаторларидан икки юздан кўпроқ киши 20 кун-лик программа асосида таъ-лим олди.

Тингловчилар қўллаб иш-лаб чиқарилаётган машина-ларнинг конструкциясига киритилган ўзгаришлар ва корхонадаги янгиликлар билан танишди. Ў. Ам-едлаев машинистлар бoсoсига завоҳ деҳқонлари, шу жум-ладан, экспериментал цехда, бош конвейерда ўтказилди. Корхонанинг етакчи мута-хассислари лекция ўқиди-лар. Тажрибали слесарлар, техникачи синиб кўрувчилар механик ҳайдовчиларни ре-монт ишининг ва машина-ларга, айлнқса янги моди-фикациядаги машиналарга хизмат қўрсатишнинг ик-риччилари билан таништи-ди. Қурсантлар ихтиёри-да техникавий адабиётга бой бўлган катта кутубхона, техникавий ахборот кабинет-лари бор эди.

Тошкентлик машинасоз-ларнинг деҳқонларини за-рур машиналар билан таъ-минлаб, 1976 йилги ўрим-йиғимини яқин мулдатларда ва нобудгарчилиқсиз ўтказ-иш тўғрисида қувиладиган-нинг даъватини қўллаб-қув-ватлаб, механик-ҳайдовчи-лар малакасини ошириш курслари тингловчиларини яна бир марта битириб чиқаришни уюштиришга қар-ор қилдилар. Пахта йиғим-терими мавсуми бошлангун-га қадар яна камида 150 механизатор завод «машта-би»да таълим олади, улар ҳўжаликларда заводнинг ўзига хос мухтор вакиллари бўладилар. (ЎзТАГ).

КИШЛОК НОНВОЙЛАРИ

...Меҳмон дастурхонга бу-ди чиқиб турган бўрсилдоқ оби ноини келтириб қўйди.

— Мунча ширин, қаймоқ-мазасини беради-я, дейди-ди нондан татинган меҳмон-лар, — ким ёган бу ноини?

— Ўриқбой аканинг қиз-лари, — деди меҳмон.

Дарҳақиқат, Калинин районидagi «Назарбек» киш-лоғида жойлашган нонвой-хонанинг довруғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Цех-ларини айланамиз. Оби ва Шарвой нонлар цехига таж-рибали конвой Ўриқбой ака Тошматов раҳбар экан.

— Бир кеча-кўнунда, — дейди у, — уч киши, тўрт минг дона нон ишқиртди.

Ўриқбой ака ёшлардан Насибга Эргашевга, Вазира Раҳмоноваларнинг нонлари алоҳида тилга олади. Би-ри зувада пингитмоқда, яна бири нон ясади.

Бу ерда ёпилаётган бу-ла нонлар ҳам тоғиллиги бил-ан ҳаммага манзур. Цехга ўттиз беш йиллик тажрибага эга бўлган Усenni ака Олти-бармак башкилик қилмоқда. Унинг ташкилотчилиги ту-файли цех замонавий уску-налар билан жиҳозланди.

ишлаб чиқариш қуввати ор-ди. 20 га яқин қозонда ха-мир қориб турилади. Хамир ошиб, тайёр бўлгач, қаққон қиз-жувоилар зувааларини қопилларга жойлайдилар. Булка нон хамирлари жой-лашган қопиллар айланма печ конвейерга жойлашти-рилади, ўн беш минут сақ-ланади. Ана шу вақт ичида хамир кўчқилиди, булка ша-клда келади. Сўнг бу қопил-лар цехкага жойланади. Қирқ беш минутда булка нон тайёр!

Цехда меҳнат унумдорли-ги ортиб бормоқда. Нонвой-лар топшириқсини ортинг бил-ан бажаришмоқдалар. Ҳар ку-ни 10 минг дона булка нон и тайёрланаптир.

Қишлоқ нонвойхонасида ёпилаётган обий, ширмой, булка нонлар Калинин рай-он аҳолиси ва қисман Тош-кент район аҳолисининг ахтиёжини қондирмоқда. Бугина эмас, турли тўй-та-тана, йиғилишларда ҳам нонвойлар аҳолига хизмат қўрсатадилар. Уларнинг бу-бармак башкилик нонвой-лар ўз вақтида бажариб, эл хўрматига сазовор бўлмоқ-далар.

Нонвойхонада ишларини янада яхшилаш учун айрим муаммоларини ҳал қилиш за-рур, — дейди мастер Б. Хо-лиқов, — ҳўзир печлар электр ёрдамида ишлаб ту-рибди. Газ келтириш учун барча имконият бор. Шунда ишимиз икчанчилаш, унум-дорлик ортиб, нон маҳсу-лотларининг сифати янада яхшиланган бўлур эди. Бун-дан ташқари, нонвойхона йўллари текислаш, ас-фальт ётқизиш ҳам айни мўлдо.

Ўйлашмики, Калинин район маълумот кооперация-си ва «Ташхилбор» ру-барлари аҳолининг бу та-лабларини қондирш учун зарур тадбирларни амалга оширадилар.

Н. РИХСИЕВ. Суратларда: (чапдан) мас-тер Б. Холиқов ва булка цехи бошғи У. Олтибармак. Насибга Эргашева ва Мов-луда Норматовлар ясаган нонлар қўпчилига манзур бўлмоқда. Оби нон цехи бошғи Ўриқбой Тошпўла-тов ва нонвой Вазира Раҳи-мовлар маҳсулот сифатини кўздан келтирмоқдалар.

А. АБАЯЛИ ФОТОЛАРИ.



ШИФОБАХШ ДАРГОХ

Бундан ўн йил муқаддас Тошкентда 2-республика кли-ник касалхона иш бошлаган эди. Бу борада шифобахш даргоҳ ҳар томонлама ке-нгайди. Ҳўзир унда 20 дан ортиқ иктисослаштирилган ва 7 та ёрдамчи бўлилар бор.

Бу ерда янги тажриба маркази ва бўлиларини очиб тарадуд қилимоқда. Намунали ишлар учун иш-фохона Москвада. Бутун-иштифок халқ ҳўжалиги ютуқлари қўргазмаси томо-нидан медаллар билан тақ-дирланди.

РАҲМАТ ДОКТОР

КИШЛОҚ ЗИЕЛИЛАРИ

У барвақт ишга келди. Одатдаги ҳоналарни айланиб, беморларнинг аҳоли билан таниша бошлади. Шу пайт унинг олдида ҳақиқатан Хусния Абдурашидова киб, оғир беморин келтиришгани айтиди.

У дарҳол қабул хонасига чиди. Қўлга дабблар, тириқ учурига кўтарган бемор ётарди. Унинг нафас олиши тобора қийинлашиб бормоқда эди.

Тошпўлат шоянча ишга киришди. Ҳамширалар шприцларни тайёрлаб беришди. Беморни уқол қилиб, биринчи ёрдам кўрсатилди. Бироздан сўнг у кўзини очди. Туни билан бош врач Тошпўлат Эргашевнинг ўзи унинг атрофида парвона бўлди.

Икки ой давомида Улуғ Ва- тани уруш қатнашчиси Хо- шия Маматкулов оёқда тур- ди. Тўрт ойдан сўнг уйига

кетмига рухсат берилди. У ўзидан йўқ хурсанд эди: «Ра- хмат, доктор, раҳмат, ҳам- ширалар, умрларингдан ба- рака топинглар», дерди у...

Пискент райониди- ги Тельман номидаги касал- хонасида беморларнинг даволашнинг учун барча ша- ронг арилади. Дори-дар- монлар етарли. Касалхона- нинг инвентарлари билан жиҳозланган. Рентген ка- бинети, амбулатория, физио- терапия хоналари ишлаб ту- рибди. Даволашда замонавий медициналардан фойда- ланимоқдалар.

Касалхонада даволаш про- филактика ишларининг на- тужали йўлга қўйилишида ёш ва меҳнатсевар врач

Тошпўлат Эргашевнинг таш- килотчилик роли катта. У Тошкент Давлат медицина институтини тугатгандан сўнг дастлаб шу ерга йў- ланима олган эди. Дастлабки кунларда ҳамшираларнинг иш-шароити оқлаш учун ҳаракат қилди. Инсти- тутда олган билимларини амалиётда куланиш учун тин- май изланди.

У бошлди касалхона «Уба- кистон ССР 50 йиллиги», Калинин номи, «Гулистон», Ленин номи, Охунбобоев номи, Свердлов номи кол- хозларнинг меҳнатчиларига намунали хизмат қилаётди.

Колхоз деҳқонлари Тош- пўлатни жамоатчи ағитатор сифатида ҳам яхши танийди-

лар. У ишдан бўш вақтлари- да дала шийонларида, мак- таб, маҳаллада бўлиб, медицина темаларига оид суҳбатлар ўтказибди.

Яқинда у КПСС XXV съезди делегати Назира Алимова бошчилиги қила- ётган бригадада бўлди. Ў- за парваршиш, йиғин-терим даврида деҳқонлар соғли- гини муҳофаза қилиш учун ималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида суҳбат ў- тказди.

Тошпўлат яхши хизматла- ри эвазига область ва район ташкилотлари томонидан бир неча бор таъдирланди.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БУГУНГИ КУНИМИЗ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ

Забардаст қўлларда пах- та чанови... «Оқ олтин»ни ана шу қўллар яратмоқда. Биринчи республика плакат- лар кўргазмасида расм- ларнинг пахтакорлар тур- тибди, пахтанин олтин қў- лари ҳақида ёрқин ҳикоя қилувчи асарлари асосий ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Баъзан дала ший- онларида чиқарилган жан- говар арақаларнинг эскиз- лари бўлган асарлар дала- ларда, фермаларда вуқудга келтирилган эди. Ўзбекистон расмларининг ижодкор бригадалари ана шу дала- ларга, фермаларга доимо бориб турадилар.

Сўнгги 10 йил мобайнида республика расмларининг ижодий ҳисоботи 130 пла- катдан иборат бўлди.

Монажон дйер, совет ки- шисининг меҳнати, тинчлик учун кураш — плакатчилар- нинг етакчи мавзуларидир. Николай Тен ўз плакатини «Бу уйга тинчлик ёр бў- син» деб атади. Уй-планета- мида фонда қўлларда бо- лаларни кўтариб турган уч аёл тасвирланган.

Фарук Кагаровнинг пла- кати «Хозирги ва келажак- даги Чили» деб атади. Бу плакатда Чили халқининг поймол қилинган эркинлиги учун совет гражданининг қайғуси ва Чили халқи га- лабасининг тантанаси қилин- га бўлган ишончи ас эъти- рилган. Навоийлик ёш рас- сом Виктор Афонин ўз аса- рини Ангела халқининг озодлиги учун, болаларнинг порлоқ келажиги учун ку- рашига бағишлаган. Унинг ҳамшираси Юрий Сурков ўз суратида табияти муҳофаза қилиш мавзусини ас эътир- ган. Рассом Анавар Бал- лановнинг суратларида пар- тиянинг ёрдамчилари бў- лган комсомоллар образи ўз ифодасини топти. Виктор Евенко чизган суратлар ўзининг беш йиллик топи- риқларини рўбга чиқариш масалаларига бағишланди.

Республика плакатчилари асарларининг мавзулари кўп хилма-хилдир. Лекин уларнинг суратларида пар- тия, коммунизм қуришнинг масалалари асосий ўринни эгаллади. Кўргазма тош- кентлик энг кекса рассом Борис Жуковнинг «Комму- низм сари, олға» деб ата- лган плакати билан очилиди. Бу кўргазма республика- миизнинг плакати тили билан ёзилган бугунги кунни ҳақи- даги илҳомбахш репортаж- дир.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА Эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ 166-ШАҲАР ЭРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1977-1977 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчи аппаратларни йиғувчи-слесарь, механик-йиғув ишлари слесари, универсал тоқар, универсал фрезерчи. Ўқиш муддати — 3 йил. Маъгулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга 8-синф маълумотидаги йиғит-қизлар қабул қи- линади.

Ўқишга кирганлар бепул кийим-бош, овқат ёки 30 сўм ҳажмида стипендия, ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқишни битирганлар тўлиқ ўрта маълумот ҳақида ат- тестат, касб ҳақида диплом оладилар. В. П. Чкалов но- мидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар. Аъло баҳола билан битирганлар эса ўз хоҳишларига кўра олий ўқув юртиларига ўқишга юбориладилар.

Ўқиш даври доимий меҳнат стажига иради. Ўқишга кириш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ариза, автобиография, маълумоти ҳақида аттестат (асл нусхаси), паспорт ёки метрика, яшаб тур- ган жойи, она-отасининг ишлаб турган еридан справка, мактабдан характеристика, 6 та фотосурат (4х5 см) ҳаж- мида.

Ушбу адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Вороовский кўчаси, кадрлар бўлими. (8, 15, 21, 23, 48, 72, 80-автотбуслар, 3, 23-трамвайлар).

АКМАЛ ИКРОМОВ НОМИДА ПСКЕНТ ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1976-77 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. 8-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ. Ўқувчи битириб аттестат ва кенг ик- тисодаги тракторчи-машинист дипломи билан бирга ҳавас- кор шоёрлиги гувоҳномаи ҳамда куйидаги қишлоқ хўжа- лик мутахассислиги бўйича ҳужжат оладилар.

Кенг икхисодаги тракторчи-машинистлар, пахта териш машинасининг механик ҳайдовчилари, чорвачилик фермалари механиклар, қомбайнчи-механиклар, 3-класс тракторчилари. Ўқ йиллик гуруҳида ўқитган ўқувчилар билим юртининг йўналимаси билан олий ўқув юртиларига конкурсга қабул қи- линадилар. Шунингдек улар ўқш билан бир даврда 4 йил муддатга Совет Армиясига қабулришдан олоб буладилар.

9-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН 17-40 ЁШДА- ГИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ.

Вир йиллигини битирган таъаббар куйидаги мутахассис- ларга буладилар: 3-класс тракторчилари, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчилари, қомбайнчи-механиклар, асарчилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ИШГА ЎЗ ХЎЖАЛИКЛА- РИГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади. АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Ўқувчилар ўқиш давомида ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат, кийим ва стипендия билан таъминланадилар.

Хўжаликлар йўналимаси билан юборилган ўқувчиларга шу хўжалик томонидан маълум миқдорда моддий ёрдам ҳам бе- рилади.

Билим юртига ичрувчилар куйидаги ҳужжатларни топши- радилар: Ўқишга юборилганчилари ҳақида қолхоз, ёки совхоз маълумиятини йўналимаси, паспорт ёки туғилган- лиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, тузар ишдан справка, оилавий аҳоли ҳақида ҳужжат, соғлиги ҳақида медицина справкани (386-форма), тарихнам ҳоли, директор номини ариза, 3х4 см. катталикида 4 дон фотосу- рат, характеристика.

Билим адрес: Пенсент шаҳри — 15-ўрта қишлоқ хўна- р-техника билим юрти. Телефонлар: 4-83, 2-16, 1-20.

Телевидение Театр

БУГУН

МАРКАЗИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИНИНГ

«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эртадаги гимнастика. 10.30 — Концерт. 11.00 — Кичик кино-мелодия (телеспектакль). 12.00 — Концерт. 15.10 — Хўжалик фильмлари. 15.45 — Совет ҳо- нувчилигининг асослари. 16.15 — Обьектив. 16.45 — Теле- очерк. 17.15 — Куноқ воқеа- лар (бадий фильм). 18.30 — Ёшлар спартакиада. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Кичик концерт (музикаль фильм). 19.35 — Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. 20.35 — Приваво миллионла- ри (бадий фильм, 1-серия). 22.00 — «Ванга». 22.30 — Вал- ди, қизлар.

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИНИНГ

ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-концерт. 11.50 — Гандеула мамлакатининг маркази (телеспектакль). 13.00 — Янтра, барабан. 13.30 — Маншук ҳақида ўқиш (бадий фильм). 18.30 — Мушфилм. 18.50 — Қизилқарни урчушу- лар. 19.20 — «Прогресс» про- граммаси. 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Инсон ва қону. 20.30 — Рақсар гулдastas. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Пахта- ни машинада теришга ҳамма пар- ва шайми? 21.40 — Нама Пу- латова қўйлади. 22.15 — Очилган кўрқ (бадий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

ПРОГРАММА

19.05 — Ўйлағди нурашлар (бадий фильм, 1-серия). 20.40 — Тошкент янгиликлари. 21.05 — Фильм-концерт. 21.45 — Гадланор ҳақида қисса (хў- жатли фильм).

ХАМЗА НОМИ ҲАВЕК ДАВ- ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТ- РИДА — 10-ўшда да Алмонла- рим, 11-ўшда да Келинлар кў- голони.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРК- ИДА — Латвия ССР цирк уста- ларининг гастроллари. «УССУ- РИЯ ИУЛБАРСЛАРИ» аттрак- циони (19.30).

ҚИШКИ БИНОДА

Қора ботиннали новча киши; Новча кишининг қайтиши: — САҲҲАТ САРОНИ, «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (қундуз ва кечқурун), «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11, 14, 17, 20).

Жаннат калити; Қозонис- охирнат мур — «ТОЗОНИС- ТОН», «МОСКВА» (қундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (10, 13, 16), «ДРУЖБА» (11, 14, 15, 17, 19, 20, 30).

Музика садолари — «ВОС- ТОК» (18.30, 21.15).

Дарвеш ва ўлим — «ДРУЖ- БА» (12, 13.40, 16, 18, 19.40, 21.20).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора ботиннали новча киши; Новча кишининг қайтиши — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50).

Спорт

ТОШКЕНТЛИКЛАР УСТУНИЛИГИДА

Уч кун давомида Самар- қандда велосипедчиларнинг республика шахсий қозонада мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда спортчилар шоссе ва гуруҳа пойғасида ўзаро куч синашдилар.

100 километрга шоссе му- собақасида устунлик қилган тошкентликлар 160 кило- метрга бўлган гуруҳа пой- ғасида ҳам пешкадамлигини ҳеч кимга беришмади. Тош- кентнинг «Буревестник» ко- мандаси аъзоси В. Воронжа масофани 4 соат 25 минут 57 секундда босиб ўтиб, би- ринчи ўринни эгаллади. Унинг қомандаси аъзоси В. Аганов учинчи бўлди. «Меҳ- нат» қомандаси вакили Е. Послптин 4 соат 26 минут 58 секунд вақт билан, иккин- чи муқофоти ўринни эгал- лади.

Умумқоманда ҳисобида «Меҳнат» жамаияти вакилла- ри 23 очко билан биринчи ўринга чиқди. «Буревест- ник» студентлар жамаияти ва- киллари голидан бир очко кам тўпладилар. «Меҳнат ре- зерварлари» қомандаси 18 оч- ко билан учинчи бўлди.

ФИНАЛ БУТУНИТФОК ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КҲНИДА

Республика кубоги учун ўтказилган мусобақалар- нинг ярим финалчилари аниқланди. Тошкентнинг «Трактор» қомандаси Қар- шида «Каршистрой» қоман- даси билан бўлган баҳода 2:1 ҳисобида ғолиб келиб, ярим финалга чиқди. Асосий вақтда ўйин 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Тош- кентлик футболчилар ярим финалда Нукунинг «Бурев- естник» қомандасини қабул қилишди. Тошкентнинг ик- кинчи қомандаси «Инстру- ментальщик» эса Хоразм футболчилари билан белла- шди.

Кубок эгаси 14 август Бу- тунитфоқ физкультурачи- лар кўнида «Пахтакор» ста- дioniда аниқланади.

ИККИНЧИ ЭШЕЛОНДА

Мамлакат биринчилиги учун «А» классини иккинчи зонаси қатнашчилари ўрта- одаги навбатдаги тур ўйин- лари майдон ағаларининг тў- ла устунлигида ўтди. Пеш- нада «Медоратор» «Ирри- гатор» қомандасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғолиб келди ва очколарини 39 тага етказди. Бу турда 10 та учрашувнинг саккизтаси майд- он ағалари галабаси билан тугади. Бир учрашувда меҳ- монлар устун келди, бир ўйин дуранг бўлиб тугади.

Иккинчи даражанин тур- ници тур ўйинлари куйида- гича тугади: «Пахтакор» — «Автомобилист» — 2:1, «Нефтяник» — «Динамо» — 2:1, «Шахтер» — «Амударё» — 3:0, «Целиник» — «За- рафшон» — 2:1, «Горняк» — «Хоразм» — 1:0, «Акто- бил» — «Олга» — 0:2, «Орбита» — «Хитник» — 3:2, «Металлург» — «Ху- жай» — 1:0, «Трактор» — «Спартак» — 2:2.

Фрунзенинг «Олга» фут- болчиларида 32 та, «Цели- ник» қомандасида 31 та ва Фарғонанин «Нефтяник» коллективда 30 та очко бор.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҲОДИСА РҲЙ БЕРМАДИ

МИЛИЦИЯ капитани Со- бир Носиров дафтарга: «Ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади» деб ёзиб қўйди. Юқори Чир- чик районидида «Политот- дел» қолхонининг участка- сида унинг наватбачилигида- ги иш якуни шундай бўлди. Қишлоқда 14 минг киши ик- тисомат қилади. Бу ерда юзлаб уй-йойлар, қўндақ- кўп мағазинлар, маданият саройи, стадион бор. Ҳоҳла- ган пайтда, ҳамма жойда тартиб-оқойишталик ҳукм- рон.

Тартибузарларнинг йўқ- лиси — милиция билан жа- моатчилик ҳамдўстлигининг натижаси. Бу ердан қолхоз- да таянч пункти тузилгани- дан кейин милиция билан жамоатчиликнинг ҳамкорли- ги айланиса мустақимаманди. Илгаригидек бу ерда қалқ- дужилиаси антив ҳаракат қилиб турибди. Ҳар кун ик- кунчи оператив гуруҳла- рлар наватбачилик қилгани чи- қадилар.

Жамоат тартибни норма- ларини бузишга қимқи қасд қилса, ҳаққоний жазадан асло қочиб қўтимайдди. Ле- кин таянч пункти ўз ишда ақсий эътиборни хуноқ хо- лосларнинг олдини олишга қаратади. Бу ерда тартиб бузишларнинг олдини олиш юзасидан кенгаш тузилган. Бу кенгаш составига қолхоз

правлениеси, партия, комсо- мол, касаб союз комитет- лари, милициянинг вакилла- ри кирган.

Кенгаш аъзолари ишлар аҳволини таҳлил қилиб, оила ва мактаб таъсирдан четда қолган ўсимирлар кўп- роқ тартиб-қоидаларни буза- ди, деган фикрга келишди. Шунинг учун ҳам оила ва мактаб таъсирдан четда қолган болалар орасида ан- тивистлар астойдил тарбия- вий иш бошлаб юбордилар. Валерий Х. кўнлардан

моқдалар. Ёшлар қолхозда маданият саройи ҳузурида тузилган 8 та бадий ҳавас- корлик тўғарақларида қат- нашмоқдалар. Қолхонинг далалари ва фермаларида меҳнат ўсимирларнинг қўли- ни учун жуда соз мактаб бўлиб қолди.

Сиртли итчимликларини истеъмоқ қиладиган, икжи- мон фойдали меҳнатдан бўйин товлайдиган шахслар профилактика кенгашининг диққат марказидан четда қолгани йўқ.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

— Биз уларнинг устидан доимий контроллик ўрнат- дик, — дейди таянч пункти бошчилигининг ёрамчиси ком- мунист И. Ўн. — Биз улар- ни илгор бригадаларга юбо- риш, энг яхши мураббийлар- ни бериштиб қўямиз. Одат- да бу яхши натижа бермоқ- да.

Ичкилик оқибатида оила- сида ҳам, хизматидда ҳам уни ўнгидан қолмаган Н. Владимирин йўлга солиш учун активистлар аналгани- ни қилдилар. Кенгаш аъзо- лари Владимирин дала-онаси меҳнат қилаётган дала-онаси бригадасида ишлашга қўй- дирдилар. Боласини тарбия-

— Биз уларнинг устидан доимий контроллик ўрнат- дик, — дейди таянч пункти бошчилигининг ёрамчиси ком- мунист И. Ўн. — Биз улар- ни илгор бригадаларга юбо- риш, энг яхши мураббийлар- ни бериштиб қўямиз. Одат- да бу яхши натижа бермоқ- да.

Ичкилик оқибатида оила- сида ҳам, хизматидда ҳам уни ўнгидан қолмаган Н. Владимирин йўлга солиш учун активистлар аналгани- ни қилдилар. Кенгаш аъзо- лари Владимирин дала-онаси меҳнат қилаётган дала-онаси бригадасида ишлашга қўй- дирдилар. Боласини тарбия-

Дунё овози ЧЕМ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ҚИТЪАЛАРДАН ХАБАРЛАР

◆ ПАРИЖ. Франциядаги уч қомпанйинг вакиллари Па- рижда ядро электр станция- лари учун иккинчи реакторни Жанубий Африка Республика- сига ўтказиб бериш ҳақидаги битимни имзоладилар.

Бу битимнинг тузилиши Франция Демократик жамоат- чилигини қаттиқ ғазаблантир- ди. Демократик жамоатчилик ирқчилар режими билан ҳам- корлигининг кенгайтирилишига қарши норозилик билдирмоқ- да.

◆ КАРАКАС. Венесуэла Ком- партиясининг 1-миллий конфе-

ренцияси ўтказилган куннинг 39 йиллиги яқинлашиб қолди. Шу муносабат билан Венесуэ- ла Компартиясининг бош сек- ретари Хосе Сфария мамла- кат халқига табрик билан му- рожаат қилди. У айтдики, Ком- партия Марис-Ленининг ўл- мас таълимотига анал қилиб, демократик эркинликларни ва мамлакатнинг мустақил тарақ- қиётни узи-кесил ёқлаб чиқ- қилмоқда. Венесуэла меҳнатқаш- ларининг турмуш шароитини яхшилаш учун тинмай кураш олиб бормоқда. (ТАСС).



ХУНТА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

НЬО-ЙОРК, 9 август. (ТАСС). Чили ҳарбий хунтаси ўз аъзо- ликларининг жаҳон афкор оммаси кўз ўнгидан яна фаш бўлишдан қўчиб, БМТ иксон ҳуқуқлари комиссияси шу мамлакатдаги аҳволи текши- риш учун тузган махсус иш гуруҳиси аъзоларининг Чилига киришига йўл қўямаслиги мақ- садига турли нафарларни иш- га солмоқда. Хунта шу гуруҳа

аъзоларига мамлакатдаги ик- сон ҳуқуқлари ва гражданилик эркинликларининг аҳоли тўғ- рисида маълумот беришдан ҳам беш тортмоқда. Бу эса гуруҳининг Чилидаги аҳвол турғисида доқлаб тайёрлаш шароитида ишнинг жуда қийин- лаштирмоқда. Бу доқлаб БМТ Бош Ассамблеясининг XXXI сессиясида муҳокама қилини- ши керак.

МАОЧИЛАРНИНГ МАФКУРА СОҲАСИДАГИ ҒАЛАМИСЛИКЛАРИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Мао Цзе-Дун гуруҳиси Хитой ик- карисида ўзининг халққа қар- ши, социализмга қарши сиё- сатини ўтказиб, шу билан бир- га социалистик ҳамадўстлик мамлакатларига қутуби ҳу- жум қилмоқда.

Маочиларнинг МХРПа, Мон- голия Халқ Республикасига қарши мафкуравий хуружлар- ни кейинги йилларда аниқка- куяйтирилади, деб ёзади «Унган» газетаси. Ушунга, Бух- то, тарихий воқеалар ва фактларни сохталаштириш одат тусига киритилди. Пекин- да эълон қилинган «Хуенсинг- географик атлас» дусундаги шарҳларда 1921 йили Монго- лия халқ революцияси тўғри- сида бир сўз ҳам айтиммаган. Бунинг устига Маочиларнинг ўзи гўё азалдан Хитойнинг тарихий қисми бўлиб келган территория қилиб кўрсатилган. Бу фактлар Хитойда ўларнинг замонавий императорлар деб ҳисоблаётган, дунёга ўтмишда- ги улуғлик, миллатчилик ва гегамонизм назари билан қар- ядиган кишилар борлигидан далолат беради.

1976 йил 4 феврал кунин «Унган» газетаси маълумот хизматида мақола эълон қилди. Бу мақолада Пе- киндаги мафкуравий ғаламис-

лар МХРнинг социализм қури- лишидаги ютуқларини йўққа чиқаришга уриниб қўрдилар. Хитойнинг шу газетаси даъво қилишича, гўё монгол халқи- нинг миллий маданияти, тили йўқ эмиш, унинг қитоб наشري- ёти ва даврли мабтуоти ҳам йўқ эмиш. Бу фактлар маочилар- ни энг реакцион империа- лизм кучлари билан бир ёқ- дан бош чиқариб ҳаракат қи- лётганлигини ва соци- лизмга душман эканликлари- ни равшан кўрсатиб турибди. МХР билан давлатларара му- носабатларни ривожлантириш учун қилинган БМТ ҳаракат қилиб келатган мафкура ва МХР Мао гуруҳининг халққа, со- циализмга энд йўлгига қарши бундан буюн ҳам кескин кура- ша берадилар. Марксизм-ле- нинизмга, социалистик ҳамадўст- ларининг жажон коммунистик ҳаракатининг бирлигини ҳимоя қилиш, имперализмга қарши бўлган ҳамма кучларнинг от- яриларини жипслаштириш ин- тернационал манфаатларига ке- чикис сарфат туйғуси ана шунинг тақозо қилади, — деб таъкидлайди «Унган» газетаси.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).